

**“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ акциядорларининг
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ**

Ўтказиш санаси: 2024 йил 15 ноябрь.

Ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4 уйда жойлашган “O`ZVAGONTA`MIR” АЖ Марказий аппарати биноси.

Ўтказиш вақти: соат 16:00 да.

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) бош директори Ш.Х. Атаджанов Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини (кейинги ўринларда - умумий йиғилиш) очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини, кворум бор-йўқлигини кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаб, сўзни санок комиссияси раиси Н.Т. Каримовага берди.

Санок комиссияси раиси Н.Т. Каримова Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг акция эгалари реестрига асосан шакллантирилган рўйхати 2024 йил 11 ноябрь ҳолатига ёпилганлиги, рўйхатга 2 968 227 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 25 817 та акциядор киритилганлиги тўғрисида маълумот берди.

Санок комиссиясининг маълумотига асосан йиғилишга 2 672 295 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 4 та акциядор келган (*шундан 2 та юридик шахс: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ- 1 513 795 дона овоз билан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги- 1 157 609 дона овоз ҳамда 2 та жисмоний шахслар -891 дона овоз*) ва бу жами жойлаштирилган акцияларнинг 90,03 фоизини ташкил этади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд бўлганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини очиш тўғрисида таклиф билдирилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

1.	Ш.Т. Кадиров	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ваколатли вакили
2.	А.З. Омонов	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ваколатли вакили
3.	Ш.Х. Атаджанов	Жамият бош директори (акциядор 453 дона овоз)
4.	Ш.Д. Исмаилов	Акциядор (438 дона овоз)
5.	К.А. Вохидов	Жамият истикболли ривожлантириш ва инвестиция бўйича директори
6.	Т.Р. Хамдамов	Сифат бўйича директори
7.	Б.Х. Абдуллаев	Жамият молия бўлими бошлиғи
8.	Н.Т. Каримова	Жамият бизнес ривожини стратегик режалаш бўлими бошлиғи
9.	Н.У. Ходжаева	Ходимлар бўлими бошлиғи
10.	Ш.А. Абдулахатов	Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича бош мутахассис

Жамият бош директори Ш.Х. Атаджанов сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни йиғилиш раиси ва котиби этиб сайлашни таклиф қилди:

Ш.Т. Кадиров – йиғилиш раиси

Ш.А. Абдулахатов – йиғилиш котиби

Рўйхат бўйича овозга қўйилди.

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Бир овоздан қабул қилинди.

Қарор қилинди: Ш.Т. Кадиров–йиғилиш раиси этиб ва Ш.А. Абдулахатов–йиғилиш котиби этиб сайлансин.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби:

- 1 Санок комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш.
- 2 Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.
- 3 Жамият кузатув кенгаши аъзоси ваколатини муддатидан аввал тугатиш тўғрисида.
- 4 Жамият кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масалалар бўйича:

1. Кун тартибидаги санок комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш тўғрисидаги биринчи масала юзасидан Ш.А. Абдулахатов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасида овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгиланганлигини инобатга олиб, санок комиссиясининг қуйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:

1. Каримова Нафиса Тўхтабаевна;

2. Абдуллаев Бобур Хикматуллозода;

3. Ходжаева Наргиза Улугбековна.

Шунингдек, сўзга чиқувчи акциядорларга акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиниб, кўриб чиқилгандан кейин санок комиссиясига овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва йиғилишда эълон қилиш учун 10 дақиқа вақт беришни таклиф қилди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

2. Кун тартибидаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги иккинчи масала юзасидан Ш.А. Абдулахатов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 10 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 5 дақиқагача;

- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш;

Шунингдек, кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш “бир овоз бериш ҳуқуқига эга акция – битта овоз” тамойили бўйича бюллетенлар орқали овоз бериш йўли билан амалга оширилишини таъкидлади.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

3. Жамият кузатув кенгаши аъзоси ваколатларини муддатидан аввал тугатиш тўғрисидаги учинчи масала юзасидан жамият бош директори Ш.Х. Атаджанов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-370-сон Қонунининг 63-моддасида жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) акциядорлар томонидан номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда акциядорлар умумий йиғилишида сайланиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2024 йил 21 октябрдаги 01/4127-24-сонли хатида Жамият кузатув кенгаши аъзоси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович ўрнига “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бош муҳандиси Кадилов Шарафиддин Тахирович номзоди таклиф қилинган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳозирги вақтдаги кузатув кенгаши аъзоси Хасилов Хуснутдин Нуриддиновичнинг ваколат муддатини тугатиш таклифи билдирилди:

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

4. Кун тартибидаги Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисидаги тўртинчи масала юзасидан жамият бош директори Ш.Х. Атаджанов сўзга чиқиб, 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-760-сонли Қонунида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш киритилган янги таҳриридаги 76-моддасига асосан, Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2024 йил 21 октябрдаги 01/4127-24-сонли хатида Кузатув кенгашига Кадилов Шарафиддин Тахирович номзодини 3 йил муддатга сайлаш тўғрисида таклиф киритиб, овоз бериш кумулятив тарзда ўтказилишини айтиб ўтди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Кун тартибидаги саноқ комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш тўғрисидаги биринчи масала юзасидан овоз бериш натижалари:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Сўзга чиқувчи акциядорларга акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиниб, кўриб чиқилгандан кейин саноқ комиссиясига овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиши ва йиғилишида эълон қилиш учун 10 дақиқа вақт берилсин ва саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Каримова Нафиса Тўхтабаевна;

2. Абдуллаев Бобур Хикматуллозода;

3. Ходжаева Наргиза Улугбековна.

2. Кун тартибидаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги иккинчи масала юзасидан овоз бериш натижалари:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди:

1. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 10 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 5 дақиқагача вақт белгилансин.

2. Муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқишга розилик берилсин ва кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш “бир овоз бериш ҳуқуқига эга акция – битта овоз” тамойили бўйича бюллетенлар орқали овоз бериш йўли билан амалга оширилсин.

3. Кун тартибидаги Жамият кузатув кенгаши аъзоси ваколатларини муддатидан аввал тугатиш тўғрисидаги учинчи масала юзасидан овоз бериш натижалари:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди:

Кузатув кенгаши аъзоси Хасилов Хуснутдин Нуриддиновичнинг ваколати муддатидан аввал тугатилсин.

4. Кун тартибидаги Жамият кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисидаги тўртинчи масала юзасидан овоз бериш натижалари:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.


Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамият кузатув кенгаши аъзоси этиб, Кадиров Шарафиддин Тахирович уч йил муддатга сайлансин.

Кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилганлиги муносабати билан йиғилиш якунланди.

Йиғилиш раиси



Ш.Т. Кадиров

Йиғилиш котиби



Ш.А. Абдулахатов

Баённома имзоланган сана: 2024 йил 20 ноябрь.